



Самарканд вилоят Перинатал марказига монтаж ва видеокамераларни урнатиш учун  
хизмат кўрсатиш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича  
комиссия йиғилиши

## БАЁНИ

Самарканд шаҳри

27 сентябр 2022 й.

Раислик қилувчи

С.М.Суяров

Иштирок этган комиссия аъзолари:

Г.Бадикова

Комиссия аъзоси, бош ҳисобчи

С.Б.Базарова

Комиссия аъзоси, КУК раиси

Р.Д.Худяров

Комиссия аъзоси, Дорихона бошлиги

М.Элмуродова

Комиссия аъзоси, кадрлар булими нозири

Ж.Б.Кенжаев

Котиб, хужалик ишлари бўйича бошлиги

## КУН ТАРТИБИ:

Самарканд вилоят Перинатал марказида монтаж ва видеокамераларни урнатиш  
учун хизмат кўрсатиш бўйича.

(С.М.Суяров, Ж.Б.Кенжаев, Г.Бадикова, С.Б. Базарова, Р.Худяров, М.Элмуродова,  
С.М.Суяров)

Марказ томонидан 2022 йил 16 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-  
ашё биржасининг электрон порталига 151956-лот рақами билан эълон жойлаштирилди.  
Мазкур лот бўйича 2022 йил 24 сентябрдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини  
утказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган  
марказининг «монтаж ва видеокамераларни урнатиш» хизмат курсатиш бўйича  
баённомасига асосан эълон якунига кура Комиссия аъзолари томонидан «Avalon  
technology»МЧЖ корхонаси голиб деб топилганлигини инобатга олиб:

## ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги «Давлат харидлари  
тўғрисида»ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси  
давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига  
жойлаштирилди. Икки иш кунини давомида давлат харидлари электрон тизимига  
жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб  
тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят Перинатал маркази бош ҳисобчиси Г.Бадиковага:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 24 сентябрдаги электрон баённомасига асосан ҳолиб «Avalon technology»МЧЖ корxonаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Хужалик ишлари буйича бошлиғи Ж.Б.Кенжаева шахсан хизмат курсатиш сифат даражаси назорати олиб борилсин.

Комиссия раиси



С.М.Суяров

Иштирок этган комиссия аъзолари:

Г.Бадикова

С.Б.Базарова

Р.Д.Худяров

М.Элмурадова

Ж.Б.Кенжаев



Комиссия аъзоси, бош ҳисобчи

Комиссия аъзоси, КУК раиси

Комиссия аъзоси, Дорихона бошлиғи

Комиссия аъзоси, кадрлар булими ноziри

Котиб, хужалик ишлари буйича бошлиғи

## ШАРТНОМА № 38

27 Сентябрь 2022 йил

"АVALON TECHNOLOGY" МЧЖ кейинги ўринларда "Хизмат кўрсатувчи" деб юритилади), Устав асосида ҳаракат қилувчи раҳбар (бошлик) У.Ш.Пулатов шахсида, бир томондан ва ва Самарқанд вилоят Перинатал марказ кейинги ўринларда Устав асосида ҳаракат қилувчи раҳбар Хамроева Л.К. «Буюртмачи» деб юритилади), иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи (хизмат кўрсатувчи) ўзига тегишли маиший хизмат кўрсатиш ускунасини (товарларни) буюртмачига ҳисоб-фактурага мувофиқ мулк қилиб топшириш, буюртмачи эса ушбу ускунани қабул қилиш ва шартномага мувофиқ ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Ускуна ҳақида маълумотлар:

№	Ускуна номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Сумма	КҚС 15%	Жами сўмми (КҚС билан)
1	Кондиционер ART – SIDAW12HE	дона	3	5 595 652,17	16 786 956,52	2 518 043,48	19 304 500,
2	Бытовые Холодильники HS 228 RN	дона	10	2 669 565,22	26 695 652,17	4 004 347,83	30 700 000,
Жами:					43 482 608,69	6 522 391,31	50 005 000

### 2. УСКУНА МИҚДОРИ ВА БАҲОСИ

2.1. Сотувчи (хизмат кўрсатувчи) томонидан Сотиб олувчи (буюртмачи)га ускуна мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган миқдор ва баҳода топширади.

2.2. Шартноманинг умумий баҳоси 50 005 000 (Эллик миллион беш минг сум) сўм КҚС билан.

Шартноманинг умумий баҳоси мазкур шартноманинг 2.1-банди иккинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолларда ва тартибда ўзгариши мумкин.

### 3. ТЎЛОВ ШАКЛИ ВА ТАРТИБИ

3.1. Сотиб олувчи (буюртмачи) шартнома баҳосининг 30% ини ушбу шартномага асосан пул ўтказиш йўли билан шартнома имзоланган санадан бошлаб 5 банк иш кунидан кечиктирмасдан Сотувчи(хизмат кўрсатувчи) нинг ҳисоб рақамига олдиндан ўтказилади.

3.2. Тўлов, тўлов топшириқномаси асосида амалга оширилади.

### 4. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Сотувчи (хизмат кўрсатувчи) нинг мажбуриятлари:

4.1.1. Ускунани шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш;

4.1.2. Сифати лозим даражада бўлмаган ускуна юборилганлиги ҳақида хабарномани олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифати лозим даражада бўлмаган ускунани сифатлисига алмаштириш ёки сифати лозим даражада бўлмаган Ускунанинг пулини ушбу шартноманинг 2-бандига мувофиқ қайтариб бериш.

4.2. Сотиб олувчи(буюртмачи) нинг мажбуриятлари:



4.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда усқунани миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олиш;

4.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган усқуна келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу усқунанинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 72 соат ичида бу ҳақда Сотувчини хабардор қилиш;

4.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда усқуна ҳақини тўлаш.

## 5. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ ВА ТАРТИБИ

5.1. Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган усқуна олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 30 кун ичида Сотиб олувчи томонидан (қўшимча эслатувсиз) олиб кетилиши керак.

5.2. Сотиб олувчи(буюртмачи) усқуна ҳақини ушбу шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган муддатда тўлайди. Усқуна учун ҳақ ушбу бандда кўрсатилган тартибда тўланмаган тақдирда Сотиб олувчи (буюртмачи) усқуна баҳосини ва шартноманинг умумий суммасини шартноманинг 2.1-бандида кўрсатилган тартибда ўзгартиришга ва усқунани топширмасликка ҳақли.

5.3. Шартнома тарафлар уни имзолагандан сўнг, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг газначилик бўлимларида рўйхатга олинishi лозим бўлганда, тегишли газначилик бўлими томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан кучга киради ва 2022 йил 31 декабр гача амал қилади. Тарафлар ёки тарафлардан бири шартномада белгиланган муддатда ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолларда шартнома тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади.

5.4. Усқуна Сотиб олувчи (буюртмачи) томонидан Сотувчи (хизмат кўрсатувчи) кўрсатган жойда амалга оширилади.

5.5. Усқуна баҳосини қисман ёки тўлиқ тўлаган Сотиб олувчи тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 90 кун давомида шартнома тузмаган ва шартнома предметини олиб кетмаган ҳолларда Сотиб олувчи томонидан тўланган пуллар Сотувчида қолади.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Усқунани топшириш ва қабул қилиш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва тегишли миқдорда жарима тўлайди.

6.2. Усқунани тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи (хизмат кўрсатувчи) ҳар бир кечиктирилган кунга топширилмаган усқуна қийматининг 0.5% миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеня миқдори усқуна умумий қийматининг 50% идан ошмаслиги керак.

6.3. Шартноманинг 4.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган усқунани алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи (хизмат кўрсатувчи) сифати лозим даражада бўлмаган (бут бўлмаган) усқунанинг 20 % миқдорида жарима тўлайди.

6.4. Усқуна ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунга тўланмаган сумманинг 0.4% миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50% дан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Тарафларнинг келишувига мувофиқ усқуна Сотиб олувчи (буюртмачи) томонидан танлаб олинishi ва олиб кетилиши белгиланган ва Усқуна Сотувчи (хизмат кўрсатувчи) омборидан ўз вақтида усқунани олиб кетилмаган тақдирда, Сотиб олувчи(буюртмачи) пеня билан биргаликда усқунани шартномада белгиланган муддатдан ошиқ саклашнинг ҳар бир кунини учун саклаш билан боғлиқ харажатларни тўлиқ миқдорда тўлайди.

6.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

## 7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан талаш-таловнинг мазкур шартнома бўйича мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман ижро этолмаслик вазиятлари: ёнгин, табиий офат ва томонларга боғлиқ бўлмаган бошқа сабаблар содир бўлганда, ижро этиш муддати бу каби вазиятлар ва уларнинг амал қиладиган вақтга мутаносиб равишда орқага сурилади.

7.2. Шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этишга имкони бўлмаган томон, мажбуриятларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилувчи вазиятлар содир бўлгани ёки тутагани ҳақида бошқа томонга билдириш керак. Тегинли ваколатли идора томонидан "Сотувчи" (хизмат кўрсатувчи) ёки "Сотиб олувчи" (буюртмачи) га берилган маълумотнома юқорида кўрсатилган вазиятлар мавжудлигининг ишончли исботи ҳисобланади.

## 8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартиш ва қўшимчалар, улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва иккала тарафнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳолдагина кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига ёки фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, отказилган зарарни айбдор тараф тўлаган ҳолда йўл қўйилади.

## 9. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартнома юзасидан ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан хал этилади.

9.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низо хал этиш имконияти бўлмаган тақдирда, низо талабнома билдириш тартибига риоя қилингандан кейин қонунчиликда белгиланган тартибда судда кўриб чиқилади.

## 10. БОШҚА ШАРТЛАР

10.1. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга деб ҳисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.

## 11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

Хизмат кўрсатувчи:	"АVALON TECHNOLOGY" МЧЖ	Буюртмачи: Самарқанд Вилоят Перинатал маркази
Манзил:	Самарқанд вил. Самарқанд шаҳри Панжакент кўчаси 153 уй	Манзил: Самарқанд шаҳар Али Қушчи кучаси 3 уй
ТЕЛ./ФАК	+99893 720 22 33	ТЕЛ./ФАКС: 66 222 36 84
Х/Р. №	20208000700749002001	Х/Р 400321860184917073310054002
БАНК:	АТБ «INVEST FINANCE BANK» Самарқанд фил.	БАНК: ТОШКЕНТ Ш. МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР УЎСОБ-ХИТОБ КАССА МАРКАЗИ
МФО:001133	ИНН: 304751305	МФО: 00014   ИНН: 201327353
Раҳбар: У.Ш.Пулатов		Раҳбар: Хамроева Л.К. 

